



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 18 июль, № 151 (7653)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ: ХАЛҚИМИЗНИНГ ОНГЛИЛИГИ АСОСИЙ ҚУРОЛИМИЗ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бугунга келиб юртимизда COVID-19 билан касалланганлар сони 15 мингдан ошгани, кўрилган чора-тадбирлар натижасида 8 мингдан ортиқ кишилар соғайгани қайд этилди. Афсуски, ушбу вирус туфайли қарийб 80 нафар фуқаро вафот этган.

— Вазият ҳамон жиддийлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳеч қайси ҳудуд раҳбари бизда ахвол яхши, деб, хотиржамликка берилишга ҳаққи йўқ. Ҳамма жойда камчиликлар бор. Энг асосий вазифа — уларни вақтида аниқлаб, ҳолис баҳо бериб, тезда тугатиш чорасини кўришдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган гап айнан мана шу коронавирус ҳақида айтилган. Агар биз бу хатарга бепарво, беғам

бўлсак, минглаб одамларнинг соғлиги ва тақдирини хавф остига қўямиз, вазиятимиз янаям оғирлашади. Энг кўрқинчлиси, ўлим сони кескин кўпаяди.

Эслатиш жоиз, давлатимиз раҳбари ўзининг аввалги чиқишларида пандемияга қарши кураш стратегияси ва тактикасини тубдан ўзгартириш кераклиги ҳақида гапирган эди. Яна шу масалага тўхталар экан, ҳозирги пандемия шароитига мос энг кучли, энг таъсирчан воситаларни ишга солиш зарурлигини таъкидлади.

— Бу курашда давлат ва хусусий тиббиёт тизими, барча идораларнинг доимо сафарбар ҳолатда бўлиши ва самарали ишлаши, шифокорларнинг фидойилиги, халқимизнинг онглилиги бизнинг асосий қуролимиз бўлиши шарт,

— дея сўзида давом этди Президент. — Фақат тезкор ва мунтазам сафарбарлик, темир интизом, тиббий маданият, юксак онглилик билангина биз бу офатга қарши кураша оламиз.

Бу борада энг катта масъулият ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари зиммасида экани яна бир бор эслатиб ўтилди. Бунинг учун уларда ўз ҳудудларидаги мавжуд вазият ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний маълумотлар бўлиши, улар ҳар куни, ҳар соатда янгиланиб бориши кераклиги таъкидланди.

— Ҳокимлар, сектор раҳбарларининг, барча мутасадди ва масъулларнинг мияси соат меҳанизмидайд куну тун, аниқ ва бехато ишлаши лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Афсуски, биз кўпична мана шу масалаларда оқсаяпмиз. Қўлимиз-

да аниқ маълумот, асосланган таҳлилий материаллар йўқлиги туфайли қабул қилган қарорларимиз кутилган натижани бермапти. Бу масалада қандай ёрдам зарур бўлса, марҳамат, айтинглар, барчасини ҳал қиламиз. Чунки мақсад битта: тезроқ бу балодан қутулиб, иқтисодиётимизни, ижтимоий ҳаётимизни тўлиқ тиклаб олишимиз керак.

Президент Шавкат Мирзиёев видеоселектор йиғилишида яна бир бор халқимизга мурожаат қилиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳар биримиз ўзимиз, оиламиз, фарзандларимизнинг соғлиги ва тақдири учун аввало ўзимиз масъул эканимизни чуқур англашимиз лозим. Шу муносабат билан халқ вакиллари бўлган депутатларимиздан, ижодкор зиёлиларимиз, хурматли журналистларимиз, маҳалла фаолларидан илтимос қиламан: пандемия даврида ҳар бир одамнинг шахсий масъулияти ҳақидаги тарғибот

ишларини янада кучайтиришимиз керак.

Биз пандемияни қачон енга-миз? Қачонки, ҳар бир одам ўзидаги бепарволикни енгса, ўзи, оиласи ва фарзандлари, бутун халқимиз ҳаётига масъулият билан қарайдиган бўлса.

Биз шунга қодирмизми? Албатта, қодирмиз. Ишончим комил, бугунги вазиятнинг ўзи тақозо этаётган мана шундай ҳиссиёт ва қарашлар ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онига чуқур кириб боради. Ва биз бу синовдан, албатта, муносиб ўтамиз, — дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, 15 июль куни Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида пандемияга қарши кураш борасидаги ишлар қаттиқ танқид қилиниб, аниқ вазифалар белгиланган эди. Бу борада кўрилган тезкор чора-тадбирлар бўйича йиғилишда Тошкент шаҳри ҳокими, Бош прокурор ва бошқа мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Олий Мажлис Сенати

РЕСПУБЛИКА ГЕНДЕР КОМИССИЯСИНИНГ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг видеоконференцалоқа тарзида йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Республика Гендер комиссияси раиси Танзила Норбоева бошқарган йиғилишда сенаторлар, комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳамда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика марказининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бу даврда комиссия томонидан гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларни таъкид ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, қонун ҳужжатлари хотин-қизларнинг меҳнат ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқлари камситилишига оид стандартларга мослиги нуктаи назаридан инвентаризация қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда қабул қилиниши кўзда тутилган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг гендер ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилиши бўйича Низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилди ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган “2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозир ушбу стратегия давлат ва нодавлат ташкилотлари билан келишилмоқда.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ПОКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТДИ

Ўзбекистон бугун дунёда ҳукм сураётган коронавирус пандемияси даврида қатор давлатларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойилларига содиқ эканини намойиш этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев топширигига асосан ана шундай навбатдаги кўмак Покистон Ислом Республикасига етказилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишини бартараф этиш учун зарур тиббий воситалар, буюмлар ва дори воситалари шаклидаги юк Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортидан мамлакатимиз Мудоффа вазирлигининг махсус самолётида Исломобода олиб борилди.

Инсонпарварлик юки мавжуд давлат захиралари ва “Ўзгўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар махсуслотлари асосида шакллантирилди.

Тиббий никоб, оёқ ҳимоя воситалари, пирометрлар, кальций глюконат, кальций хлорид, мағний сульфат, нат-

рий хлорид, новокан каби дорилар мавжуд захиралар ҳисобидан етказиб берилган бўлса, “Eco Breath”, “Birja Faol Savdo”, “Gold Grown Pharma”, “Maximum Dream” корхоналари томонидан ҳимоя кўзойнаги, тиббий кўлқоп, респиратор ва антисептик воситалар тақдим этилди.

Ўз навбатида, мамлакатимиз кўрсатган кўмак Покистон жамоатчилиги томонидан илқ қарши олинди, ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.



Муносабат

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАР



Куни кеча давлатимиз раҳбари видеоалоқа орқали нефть-газ кимёси, электр техникаси ва фармацевтика саноатидаги янги лойиҳалар тақдироти ҳамда ушбу тармоқларни ривожлантириш ишлари бўйича ҳисоботлар билан танишди.

Айтиш жоизки, саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Уни ривожлантириш эса иқтисодий барқарорлик гаровидир. Шу боис кейинги йилларда саноат соҳасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундай ишлар изчиллигини таъминлаш эса, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида жуда муҳим.

Муҳбиримиз мазкур йўналишда қилинаётган ва бажарилажак ишлар юзасидан мутасаддилар фикрлари билан қизикди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АРХИВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилиниб, такомиллаштирилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ана шундай ҳужжатлардан бири бўлиб, биринчи ўқишга тайёрланмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, амалдаги “Архив иши тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, туғатилган ташкилотлар ҳужжатларини давлат архивига топшириши белгиланган. Бу эса давлат архивларида Миллий архив фонди (доимий сақланадиган) ҳужжатларининг сифатли сақланишига, яъни сақловхоналарда жой танқислиги муаммосини юзага келтириши билан бир қаторда, нодавлат архивларини ривожлантиришга тўқсинлик қилмоқда. Шунингдек, амалдаги ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини до-

имий сақлаш ҳуқуқи берилган айрим вазирликлар, идоралар, тармоқ давлат фондлари ва ташкилотлари архивлари ҳуқуқий макомини белгилловчи норма мавжуд эмас.

Қонун лойиҳасига киритилаётган нормалар амалдаги барча муаммони бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини доимий сақлаш ҳуқуқи берилган айрим вазирлик ва идоралар, тармоқ давлат фондлари ҳамда ташкилотлар-



да давлат ихтисослаштирилган архивларини ташкил этиш белгиланмоқда.

Давр талабидан келиб чиқиб, архив ҳужжатларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш, электрон базаларни шакллантириш мақсадида ташкилотлар томонидан архив ҳужжатларини электрон нусхалари билан топшириш нормаси лойиҳага киритилмоқда. Шунингдек, туғатилган ташкилотлар архив ҳужжатларини тегишли архивларга, шу жумладан, но-

давлат архивларига ҳам топшириш белгиланмоқда. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши нодавлат архивларни ривожлантириш, ҳужжатлар йўқолишининг олдини олиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат архивлари ўзларининг асосий вазифалари, яъни Миллий архив фонди ҳужжатларини сифатли жамлаш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва фойдаланишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ҒАЛЛА КЛАСТЕРЛАРИГА ҚАНДАЙ АМАЛИЙ ЁРДАМ КЕРАК?



Шу йилнинг ўтган ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари бошчилигидаги депутатлардан иборат ишчи гуруҳи ҳудудларда бўлиб, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганишган эди. Унинг натижалари парламент қўйи палатаси Кенгашининг вилоятлар билан видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган йиғилишларида муҳокама қилиниб, кўмиталарга қатор тавсиялар берилганди.

Кўмита эшитуви

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан видеоконференция тарзида эшитув ташкил этилди. Унда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги мутасаддиларининг кластерлар фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, фермерлар билан муносабатларини тўғри йўлга қўйиш механизмларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахбороти эшитилди.

Эшитувда қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ўринбосари, вазирликнинг ғалла кластерига масъул мутахассислари ҳамда бир қатор кластерлар раҳбарлари иштирок этди.

Ахборотда келтириб ўтилганидек, республикада 200 минг гектар майдонда ғалла кластерлари ташкил этиш режа-

лаштирилган бўлиб, шундан 2019 йил охирида 117,2 минг гектар ерда фермер ҳўжаликлари билан фючерс шартномалари асосида ҳамда 40,4 минг гектар майдон кластерларнинг ўзига ажратиб берилиши билан жами 124 та ғалла кластери ташкил этилган.

Вазир ўринбосари Б. Холиқов соҳада йиғилиб қолган муаммоларга замонавий ечим топиш лозимлигини таъкидлади. Кластерларнинг мавжуд ҳолатини ўрганишлардан келиб чиқиб, 124 та ғалла кластеридан 46 тасида ишни йўлга қўйиш учун зарурий инфратузилма тўлиқ мавжудлиги, бошқа кластерларда камчиликлар тўғрисида йилни вақтда уларнинг сони 77 тага тушиб қолгани, иш юритиш учун зарурий инфратузилма ва имкониятларга эга бўлмаган кластерлар фаолияти тугатилгани тўғрисида маълумот берди.

Нуқтани назар

Тахлилларга кўра, юртимизда хусусий банкларнинг хизматлар бозоридаги улуши атиги 15 фоизни ташкил этади. Банк соҳасида давлат улушининг юқори миқдорда сақлаб қолиниши ушбу тизимнинг умумий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, бу халқро тажрибадан маълум.

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚРО МЕЪЁРЛАРГА МОСМИ?

Шундай экан, давлат иш-тироқидаги банкларнинг халқро молия институтлари кўмагида трансформация қилиниши ҳамда хорижий стратегик инвесторларга солишти натижасида мазкур йўналишда ижобий натижа қўлга киритилиши мумкин.

Авалло, банкларда корпоратив бошқарув ва риск-менеджмент тизимлари такомиллашадди, иккинчидан эса банк тизимига янги технологик ечимлар ҳамда банк ишининг илгор хорижий тажрибаси кириб келади. Банкларнинг бизнес-моделлари ўзгариб, уларнинг миждозларга йўналтирилганлик даражаси ошади. Хусусий банклар кўпайиши соҳада рақобат муҳитини кучайтириб, истискобда хизмат сифати яхшиланади, нархлар арзонлашади, махсусот ҳамда хизматларнинг янги турлари пайдо бўлади, масофавий банк хизматлари кўлами кенгайди, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай шартлар яратилади.

хусусий капитални жалб қилиш, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, юксак халқро стандартлар талабига мос бозор инфратузилмасини ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўляпти. Яъни бугунги кунда хусусий банклар бошқа банклар сингари ўз ишини универсал тарзда бажаряпти. Ҳатто уларнинг айримлари халқро молия ташкилотларининг юртимиздаги лойиҳаларида иштирок этаяпти.

Аммо ҳали банк-молия тизимида ислохотлар халқро меъёрларга мос, замонавий хизмат кўрсатиш талаб даражасида, деб бўляйди. Шу сабабли ҳам 2020 йил 12 майда Президентимизнинг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Буеун мамлакатимиздаги банклар 27 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат, 11 таси акциядорлик тиждорлар, 8 таси хусусий ҳамда 5 таси хорижд капитални иштирокидаги молия муассасалари ҳисобланади.

Банк тизими молия бозорининг муҳим тармоқларидан биридир. Шу боис кейинги йилларда юртимизда тизимни ҳуқуқий жиҳатдан халқро стандартларга мослаштиришга катта эътибор қаратилляпти. Зеро, қонунчилик такомиллаштирилиши банк тизими ва турли молия институтларининг эркин фаолият юритиши, таваккалчиликларни оқилона бошқариш ҳамда хизматлар кўламини кенгайтириш имкониятини пайдо қилляди.

Шу маънода, 2012 йил 17 декабрда имзоланган “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун тизим таррақийётига хизмат қилмоқда. Утган йиллар давомида бу ҳужжат молия-банк соҳасига

ҳитни яратадиган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги янги-ланган қонунлар қабул қилинди.

Умуман, охириги йилларда банк тизимида хусусий сектор ривожини рағбатлантириш, уларнинг инвестициявий ҳозибдорлиги ва хизмат сифатини ошириш мақсадида банк секторини тубдан трансформация қилиш бошлангичи, бу яқин келажақда ўз самарасини беради.

Улўбек ФАЙЗИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Zarafshon Golden Group» компанияси таъсисчиси.

Ўз навбатида, ғалла кластерлари раҳбарлари ўз фаолиятларида дуч келаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтдилар.

Чунончи, Сирдарё вилоятидаги “Сайхун Караван” МЧЖ раҳбари М. Холмуратов ғалла кластери томонидан ўзида мавжуд донни қайта ишлаш заводи учун биржа савдолари орқали сотиш олаётгани, аксинча “Ок олтин” АЖ корхонасига топширган дон учун маблағни ҳалигача олмаганини айтиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл Нон” МЧЖ ғалла кластери раҳбари Ш. Каримбоев давлат хариди режасидан ортиқча топширган дон учун эркин нархда маблағини олиш бўйича амалий ёрдам зарурлигини билдирди.

Эшитувда муаммолар билан бирга, уларнинг ечимига қаратилган аниқ ва конструктив тақлифлар ҳам илгари сурилди. Масалан, Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги “Waves Investment” МЧЖ ғалла кластери томонидан донни қайта ишлаш ва бошқа корхоналарга асос солингани қайд этилиб, амалдаги муаммоларни жойида ҳал қилиш мақсадида кластер раҳбарлари ва соҳанинг етук мутахассисларидан иборат маслаҳат кенгаши тузиш тақлифи билдирилди.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги мутасаддилари Президентимизнинг шу йил 6 март-

даги “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори бўйича ғалла кластерларида иш янгича ҳамда оқилона ташкил этилиши зарурлиги, ҳосилдорликда ижобий натижалар қайд қилиниши ва кластерлар дон махсусотини қайта ишлаш улушини босқичма-босқич ошириб бориши қўтиллаётганини таъкидладилар. Шунингдек, кластерлар томонидан кўтарилган масалалар бўйича белгиланган тартибда амалий ёрдам берилиши маълум қилинди.

Депутатлар томонидан кластерлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларга қўшимча имкониятлар берадиган амалий тақлифлар илгари сурилди. Масалан, ғалла кластерларида ҳосилдорликни ошириш ва умумий харажатларни камайтириш, экин майдонлари унумдорлигини табиий ўтг билан таъминлаш учун ғалла кластери таркибида чорвачилик комплексларини ҳам ташкил этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Уларнинг фикрича, бу чорва моллари озуқа базасини шакллантиришга хизмат қилади.

Қизгин савол-жавоблар асосида ўтган тадбирда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»)

Сенатор мушоҳадаси

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НИМАГА УРҒУ БЕРИШ ЛОЗИМ?

Шу йил 14 июлда давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилла берилган вазифалар бугунги кунда теждорлик билан ҳал этилиши керак бўлган масалалардан саналади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, қўлимизга қалам олиб, аёллар ва хотин қизларга имкониятлар яратиб, жамиятимизда ўз ўрни борлигини аналгата олсак, жамиятимиздаги жуда кўп салбий иллатлар камаяди.

Дарҳақиқат, бирор машғуллот билан банд бўлмаган киши вақтини беҳуда сарфлайди. Бу, ўз навбатида, ёшлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин. Шундай экан, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали кўплаб муаммоларнинг олдини ола бўлады.

Бугун ҳар бир ташкилот, корхона ва тадбиркорлик субъекти, умуман, давлат ҳамда нодавлат, жамоат ташкилотлари ишсизлик ва бандлик муаммоси билан шугуллана, ушбу ижтимоий масала ижобий ечим топиши, шубҳасиз. Ишсизлик ҳамда бандлик муаммоси борасидаги эскича ёндашувлар бугун самара бермайдди.

Ҳўш, эскича ёндашув қан-

дай эди? Йиллар давомида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга олишда корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилган. Тизимда битирганлик тўғрисида ҳужжат олишлари учун таълим муассасаси, корхона ва ташкилотлар ҳамда битирувчи ўртасида уч томонлама тузилган шартнома асос бўлган.

Аммо ана шу тартибда ишга жойлашган ёшларнинг аскарияти уч ой, ярим йил, узоғи билан бир йилдан сўнг турли бахоналар билан ишдан бўшайтган. Сабаби эса, назаримизда тушунарли. Яъни ҳалиги уч томонлама шартнома номигагина бўлган. Кейин йиллар давомида бу масала катта ижтимоий муаммога айланиб кетди.

Агар мактабгача таълим ва умумтаълим мактабларидан бошлаб ёшларни ўз қизиқишига қараб касб танлашга ўргатсак, ёшларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик

соҳасида малака ва кўникма шакллантирсак, уларнинг бизнес тартапларини қўллаб-қувватласак, маҳалла марказлари ҳамда чекка қишлоқларда касаначилик, тўқимачиликни ривожлантирсак, ишсизлик ва бандлик муаммосини ҳал этишимиз анча осон кечади.

Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга барча шарт-шароит, кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Хорижий инвесторларни жалб қилиш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш учун ҳам имкониятлар мавжуд. Биргина қишлоқ ҳўжалиги соҳасида янги ташкил этилган кластерларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу тузилма нафақат мўл ҳосил олиш, ер унумдорлигини ошириш, ёқилғи, мойлаш тизими, эҳтиёт қисмлар сарфийтидаги тежамокорилик, балки кўплаб янги иш ўринлари яратиш бобида ҳам ўзини тўла оқлатмақда. Демак, шунга урғу қаратсак, нур устига нур бўлар эди.

Албатта, бу жараёнда биз, сенаторлар ҳам фаол иштирок этиб, амалий кўмак беришимиз мақсадга мувофиқ. Зеро, мақсадимиз аҳоли бандлигини таъминлашдан иборатдир.

Шавкат ЖАЛОЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Депутат фикри

ТАДБИРКОРЛАР ОЁФИГА ТУШОВ БЎЛАЁТГАН

ТИЗИМЛИ МАСАЛАЛАР

Ҳозирги мураккаб шароитда аҳолини қўллаб-қувватлашнинг муҳим шартларидан бири — уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш. Чунки мамлакат иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлиги бизнес муҳитини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга бевосита боғлиқ. Буни амалга ошириш учун мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш зарур ва шарт. Айниқса, кредит олиш масаласида.



Масалан, кўчмас мулк баҳоси 100 фоиз қийматининг банк томонидан 60 фоизга баҳоланиши, эскириш қийматини ҳисоблаб, 50 фоиз микродига пул берилиши олинажак кредит суммасига таъсир қилмоқда. Банк ҳодимлари эса хавф (риски)ни ўз фойдаларига камайтириш учун тадбиркор хиссасини тўширмоқда. Тадбиркорлар кўчмас мулк банклар томонидан 80 фоизга баҳоланса, гаров масаласида анча енглилик бўлишини айтмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар олинаётган кредитга нисбатан йиллик фоиз ставкасининг юқорилигидан ҳам норозилик билдирмоқда. Бу талаблардан кейин Марказий банк мутасаддилари банк сисёатини ўзгариштириш йўлаб қўришлари керак.

Яна бир муҳим масала — банк кредити бериш муддатининг қўзилиб кетиши. “Хар бир оила — тадбиркор” дастурида белгиланлишча, кредит олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан уч иш кундан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослангиларин қарор қабул қилинади.

Тижорат банки кредит беришнинг рад этган тақдирда, банк қарз олувчига ҳамда таъсифнома берган тегишли секторлар раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда асослантирилган маълумот тақдим этиши керак. Ҳозир қўллаб аризаларга эса жавоб беришми олар давомида қўзилиб келмоқда. Ҳудудлардаги банк ҳодимлари ариза республика даражасида қўриб чиқилиши қўзилаётганини, қўлишга мажбур эканликларини айтишяпти.

Масалан, Бағдод тумани мисолида таҳлил этадиган бўлсак, шу йилнинг 9 июль кўни Бизнес-омбудсман вакиллари билан бўлган учрашувда тумандаги тўртта сектор вакиллари томонидан тадбиркорлар билан ишлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўлимига ҳисобот берилган. Маълум бўлишича, шу пайтгача тадбиркорлар томонидан кўтарилган 234 та муаммонинг 79 таси кредит, 26 таси ер, 10 таси солиқ, 27 таси ружсатнома ва лицензия масалаларида, шунингдек, 73 таси бошқа йўналишларда бўлган. Муаммонинг 215 таси (92 фоизи) ижобий ҳал этилган. Қўринадиги, тадбиркорлар орасида энг кўп муаммо кредит масаласида бўлиб қояпти.

Айрим туманларда фақатгина бир-икки банклар филиаллари фаолият кўрсатиши ҳам му-

аммоли масалалардан. Ваҳоланки, бошқа туманларда камида 5-6 та банк филиаллари бор. Бу ҳолат эса тадбиркорларнинг фақат шу банкларга боғлианб қолишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Фарғона вилоятининг Бағдод туманида 1428 та корхона ва 1826 та ЯТТ, жами 3254 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган. Туманда 7 та кўшма корхона ҳамда 3 та хорижий корхона мавжуд. Шунга қарамай, фақат Халқ банки ва “Агро-банк” филиаллари фаолият кўрсатади.

Марказий банк вилоят бошқармаси бошқарувчиси билан суҳбатлашганимизда, яқинда Қўқондаги “Универсалбанк” ҳамда “Микрокредитбанк” филиалларининг хизмат кўрсатиш марказлари очилиши ҳақида маълумот берди.

Банк-кредит соҳасида яна бир муаммо — банк ҳодимлари томонидан доимий равишда тадбиркорга “ресурс йўқ” деган жавобнинг берилиши. Тўғри, Бағдод тумани мисолида тадбиркорлик учун ажратилаётган маблағлар ва лойиҳалар билан танишадиган бўлсак, маҳаллий ҳокимлик ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан хайрилик ишларга қўл уриллаётганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида туманда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига жами 13,9 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган. Бу рақамларни яна давом эттириш мумкин.

Ҳўш, маблағлар ҳар доим ҳам тадбиркорга ўз вақтида ажратиб берилмоқдими? Учрашувларимиз чоғида экспорт тадбиркорлар янги иш ўринлари яратиш мақсадида фаолиятини кенгайтириш учун кредит олиш мақсадида берган аризаларига ҳануз жавоб ололмаётганликларидан шикоят қилишди. Банкининг маблағ беришга ресурси бўлмаса, у банк-ротлик ёллон қилиши керак эмасми?

Яна бир масала — тадбиркор фаолиятида ҳуқуқий нормаларда чақашликларининг борлиги ва бунга мутасадди идораларнинг ўз вақтида ечим топмаслиги. “Бағдод автотранс сервис” МЧЖ раҳбарининг муам-

моси шуки, унинг дон ташувчи корхона сифатида бириктирилган автомобиль корхонаси “чекланган тарифлар”да ҳисобланган ва ҳақиқатда ишлатилган ёнлиги махсуслотлари нархлари ўртасидаги тафовут тўғрисида жами 319 400 882, 93 сўм иқтисодий зарар қўради.

Корхона мулки тўлиқ хатланиб сотува қилирилган. Бу ўринда корхона ҳам ҳолис хизмат қилиб, ҳам қарздор бўлиб қолмоқда. Тадбиркорнинг туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги турли идораларга мурожаатлари ҳал бўлмасдан келмоқда. Аниқроғи, “Юкори” “қўйи”га, “қўйи” эса “Юкори”га йўллашдан чарчамаяпти. Гарчи, Молия вазирлигининг Фарғона вилоятидagi Давлат молиявий назорати бошқармаси да-лолатномасида корхонанинг айбсиз эканлиги қўрсатилган, туман ҳокимлиги йиғилиш баёнида “Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторликларни қисқартириш, бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш” комиссиясидаги қорордаги суммадаги қарздорликни кенчш бўрланган бўлса-да, муаммо шу кунгача барҳам топмаган.

Юқоридagi каби ҳолатлар, қанчалик аччиқ бўлмасин, айтиш керакики, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига тўсиқ бўлмоқда, тадбиркорларнинг фаолият юритишига имкон бермапти. Биз, албатта, ушбу масалалар бўйича тегишли вазирлик ва идораларга мурожаат йўллагимиз. Лекин булар бир-икки тадбиркор бошига тушган иш эмас, балки республика бўйича тизимли муаммо сифатида тадбиркор оёғига тушов бўлмоқда. Шунинг учун ушбу муаммолар республика даражасида мутахассис ҳамда мутасаддилар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиши, керак бўлса, янги қарорлар қабул қилиниши ва бу қонунларда акс этиши лозим.

Бинобарин, Президентимиз видеоселектор йиғилишида ҳам банк-кредит, солиқ сисёати соҳасида ислохотлар кераклигини таъкидладди. Бу эса аллақандай ечимни топиш керак бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Демак, мамлакат ривожини чиндан истасак, тадбиркорга қулай шарт-шароит яратиб беришимиз, мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришимиз мақсадга мувофиқ.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

ОИЛАЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ТАЪСИРЧАН ЧОРАЛАР КўРИШ ЗАРУР

Оила — ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган тарбия ўчоғи.

Жамиятимизда оила билан боғлиқ ўзига хосликни фикрларинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидagi бурчи, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ибод-ҳаё, оила шаъни ҳамда номусини асраш каби ҳамма бирдек итоат этадиган ҳаётий қонунларда кўриш мумкин.

Таклиф

Юртимизда бу муаммо олимлар томонидан ўрганилганда, барча ажримларнинг тенг яримида ёшларнинг бир-бирини тушуна олмаслиги, ҳаётга, оила масаласига енгли қараши сабаб экани аниқланган.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 2020 йилнинг январь — март ойларида республика бўйича ФХД органлари томонидан 7,8 мингта никоҳдан ажралаш ҳақида қарор қилинган. Испаниянинг Олий суди никоҳдан ажрашган эркакка собиқ уй бекаси бўлган хотинига уй ишларини бажаргани учун компенсация ва хотини ҳамда болаларига алимент тўлашга мажбур қилди. Германияда ажрашаётган оилада болалар бўлса, суд, аввало, уларнинг манфаатларини ҳисобга олади. Шунингдек, нафақат мол-мулк, балки пенсия жамғармалари ҳам иккига бўлинади, бунда ҳам ўзига яраша адолат мавжуд. Негаки, бола тарбияси ва уй ишлари билан машғул бўлган аёл пенсия учун жамғарма яратмаган. Бра-зияда ҳам оиладаги воғяга етмаган болалар манфаати ҳимоя қилинади. Уларнинг ажримдан олдинги таъминот даражаси сақланиб қолиниши мажбурий қилиб белгиланган.

Таъкидлаш жоиз, хорижий давлатларда ажрим ҳақида қарор чиқаришдан олдин судлар болалар ва аёлнинг кейинги тақдирини қизиқиб, уларни кафолатлашга ҳаракат қилади. Бизда эса, аввал никоҳ қарор қилиниб, ажрим қайд этилади. Кейин фар-

Аммо сўнгги йилларда турли сабабларга кўра, била ажримларининг ошиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Уларнинг сабаблари турлича. Бунга уй-жой масаласи, ишсизлик, моддий етишмовчилик, ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қуриши, эр ёки хотиннинг ишлаш учун бошқа мамлакатларга кетиб қолиши, оилада маънавий-ахлоқий муҳитнинг ёмонлиги, оилага ташқаридан бошқа шахсларнинг аралашувини мисол қилиб келтириш мумкин.

ларда ажрим ҳақида қарор чиқаришдан олдин судлар болалар ва аёлнинг кейинги тақдирини қизиқиб, уларни кафолатлашга ҳаракат қилади. Бизда эса, аввал никоҳ қарор қилиниб, ажрим қайд этилади. Кейин фар-

“2020 йилнинг январь — март ойларида республика бўйича ФХД органлари томонидан 7,8 мингта никоҳдан ажралаш ҳақида қарор қилинган. Ҳудудлар бўйича энг кўп ажримлар Тошкент шҳри, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятларида қузилган.”

зандлар тақдирини, мол-мулк тақсимо-ти кўриб чиқилади.

Ҳаётимизда бу ҳолатлар қанчалик кўнгилсизликларга сабаб бўлаётгани ҳаммага маълум. Чунки “Чиққан қиз чигирмадан ташқари” дейишадди. Аввало, бу ҳондонда маънавий тушун-қиқ, келинлар ва қайтган қиз ўртасида зиддиятлар пайдо бўлади. Баъзида турмушдан ажрашган аёл бола-

ридан ҳам воз кечади. Оқибатда тир-кил етимлар кўпаяди.

Ажримдан кейинги энг катта га-воғларга сабаб бўладиган масала, бу — уй-жой. Ушбу масала ҳам турли келишмовчиликлар, жанжалларга, кези келганда, ўта оғир ҳолатларга олиб келувчи жи-ноятларга сабаб бўлади.

Ҳўш, оилаларни сақлаб қолиш, ажримларнинг олдини олиш учун қандай таъсирли чоралар кўриш лозим?

Биринчидан, никоҳ қайд этилишининг аввал ёш оила яшайдиган манзил аниқ бўлиши, ажрим юз берган ҳолатда фарзандлар ва аёл тураржой билан таъминланиши шарт.

Иккинчидан, никоҳ қайд этилганда, аёл юқорида қўрсатилган манзилга зудлик билан рўйхатга қўйилиш керак (ортиқча оворагарчиликсиз, келин фамилияси ўзгаргани сабабли янги паспорт олганда, доимий рўйхатга қўйилмадиган манзили ҳам ўзгари-тилиши лозим).

Учинчидан, болалар унн алиментларни мажбурий ундириш механизми жорий қилиниши зарур. Ҳозиргидек кам ҳақ



тўланадиган ишга номига жойлашиб, энг кам миқдорда алимент ҳисоблаш амалиётидан воз кечиш керак. Алимент миқдори боланинг ҳаёт кечирishi, таълим олиши учун етарли бўлиши лозим.

Тўртинчидан, ота-онаси тирли бўла туриб, Меҳрибонлик уйига жойлаштирилган фарзандларга ота-онаси махсус ҳисобга пул ўтказишини жорий қилиш шарт.

Юқорида келтирилган масалалар ечими бўйича мажбурий равишда никоҳ шартномаси тузилса, ҳар қандай эр-как ёки аёл ажрашми ҳақидаги фикр-ни бир неча бор ўйлаб қўради.

Қолаверса, оилалар мустақамли-гини таъминлаш, болалар учун соғлом оилавий муҳитни кафолатлаш мақса-дида қонунларимизга адолатли қўшим-ча ва ўзгаришлар киритиш зарур. Чунки жамиятнинг муҳим бўғини фа-ровонлиги, тинчлиги мамлакат ободли-гини кафолат

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ
МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАР

Мехриддин АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекнефтегаз» АЖ бошқаруви раиси:

— Йилгиликда Президентимиз томонидан жамиятимизда ўтган олти ой давомида нима ишлар қилингани муҳокама этилиб, йил якуни бўйича тегишли топшириқлар берилди. Хусусан, нефть ва газ ишлаб чиқариш етарли даражада амалийи айтиб ўтилди. Олти ой давомида 17 миллиард кубометр газ ишлаб чиқарилган бўлса, йил охиригача кўрсаткични 34,6 миллиард кубометрга етказиш имкониятлари бор. Бу бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Президентимизнинг “Газ ишлаб чиқаришдан олдин унинг захиралари мавжудми? Ҳар йили қанча захира яратилди?” деган саволларига биз қиёқтари жавоб бера олмадик. Чунки охириги йилларда захира яратилиши бўйича етарли ишлар амалга оширилмаган. Лекин йилгилишдан келиб чиқиб, ушбу йўналишга биз ҳар йили камида 150 мил-

лион доллар маблағ ажратган ҳолда газ захирасини яратилишимиз керак. Шу билан бирга, Юртбошимиз томонидан инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши қандай кетаётганлиги яна бир бор муҳокама қилинди. Бизда бу йил ишга туширилиши мўлжалланган бешта инвестиция лойиҳаси амалга ошириляётган бўлса, уларнинг барчаси режа асосида кетаяпти. Пандемия бўлишига қарамасдан, тизимда 50 мингдан ортиқ одамлар ишляётган бўлса, ҳозирги кунда 40 мингга яқини бевосита меҳнат вахталарида туришибди. Шунинг учун бу лойиҳаларни бажариш давомида яна бир марта қайтадан кўриб чиқиб, ўрта суолтирилган газ ишлаб чиқариш лойиҳаси номбўр ойигача, қолган иккитасини эса декабрь ойигача якунлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Бу бўйича барча имконият ишга солинади.

Жўрабек МИРЗАМАМУДОВ,
«Ўзбексанот» АЖ бошқаруви раиси:

— Танқидий ўтган маҳсулда ҳар бир вазирик, ҳар бир идора нима иш қилиши керак, хусусий бизнес ишлари, тадбиркорлар билан ишлаш, ҳорижий ҳамкорларни лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш борасида мутахассисларга вазифалар белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, лойиҳаларни ўз вақтида, сифатга алоҳида эътибор қаратган ҳолда амалга ошириш кераклиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг бозорини ўйлаш, рақобатбардорлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йирик лойиҳалар билан бир қаторда, кичик, лекан самараси юқори бўлган лойиҳалар муҳокама этилди. Жумладан, Тوشкент шаҳрида кўпқили полипропилен ишлаб чиқариш, яъни автомобиль саноатида кенг қўлланиладиган, ҳозирги кунда импорт қилинаётган ушбу маҳсулотнинг икки-уч баробар юқори бўлган кўпқили қиймати турини ва кейинчалик бошқа тар-

моқлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шунингдек, “Навоийазот” АЖда ишлаб чиқариляётган метаноли қайта ишлаш орқали қарбамид формальдегидил концентрат ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишда Австрия компанияси билан биргаликда қўшма корхона ташкил қилдик. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари бошланди. У кейинги йил биринчи чоракда ишга туширилиши кўзда тутилган. Бу йўналишда худди шу каби лойиҳаларни қўйлатириш, ҳамкорларни топиш, лойиҳа ҳужжатларини сифатли тайёрлашга алоҳида урғу берилди.

Ўтган йили декабрь ойида Президентимиз иштирокида “Навоийазот”да поливинилхлорид ишлаб чиқариш комплекси очилган бўлса, ушбу лойиҳанинг самарадорлигидан келиб чиқиб, иккинчи босқинчи амалга ошириш ва бу орқали нафақат ушбу маҳсулот импортини тўлиқ тўхтатиш, балки экспортини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сардор УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазири:

— Йилгиликда Президентимиз томонидан электротехника ва фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича алоҳида топшириқлар берилди. Ўзбекистонда очик денгизларга чиқиб имконияти чегараланганлигини инобатга олсак, бизга ҳозир, асосан, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймати каттарок тармоқларни ривожлантириш ҳамда авиатранспорт орқали тегишли бозорларга экспорт қилинганда ўзини оқлайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш талаб қилинапти. Шундан келиб чиқиб, электротехника саноатини алоҳида йўналиш сифатида электроникага урғу беришга давлатимиз раҳбари томонидан топшириқлар берилди. Бу бўйича ҳозир алоҳида қарор лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланган. Ўзбекистонда айнан шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бир нента эркин иқтисодий ва эркин бозор зоналари ташкил этилади.

Тахлил қиладиган бўлсак, ўтган йили электротехника саноатининг жами экспорт ҳажми 250 миллион доллар бўлди. Бизнинг олдимизга янги йўналишларни, юқори қиймати маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали 2025 йилга бориб шу тармоқнинг экспортини камида 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ушбу тармоқдаги асосий

камчиликларимиз, бу — ишлаб чиқаришда қадрлар тайёрловчи таълим тизимининг ва фан, илмий тадқиқотларнинг узвий боглиқлиги мавжуд эмаслиги. Фармацевтика саноатини оладиган бўлсак, бу тармоқ ҳам жуда долзарб. Ўзбекистонда ишлаб чиқариляётган дорилар эҳтиёжimizни бор-йўғи 21 фоизга қоплаяпти. Яъни 79 фоиз дори-дармонлар импорт қилинапти. Шундан келиб чиқиб, бу соҳада ҳам таълим, ишлаб чиқариш ва илм тизимини уйғунлаштириб, янги ёндашув асосида кескин ўсишни таъминлаш топшириги берилди.

Чет эллик фармацевтларни, машҳур фармацевтик брендларни юртимизда ишлаб чиқаришга жалб қилиш мақсадида камида 10 йилга уларнинг маҳсулотларини сотиб олиш, аммо битта шарт билан, яъни тўлиқ маҳаллийлаштириш шарт билан контрактлар тузилади.

Йилгиликда юртимиз иқтисодиётининг ўсиш нуқтасини таъминловчи соҳалар — фармацевтика, электротехника, нефть-газ, кимё, тўқимачилик каби тармоқларнинг ҳар бирини мутлақо янги тамойил асосида ривожлантириш, керак бўлса, давлат саноат сиёсатини ҳар бир тармоқ бўйича юрғизиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ПОКИСТОНГА
ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ КЎРСАТДИ



Хусусан, Покистоннинг “Diplomatic News Agency” ахборот агентлиги ва “Islamabad Post” газетаси хабарларида Ислмободга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан 25 тонналик гуманитар ёрдам етказилгани таъкидланган. Насрлардаги мақолаларда баён қилинишича, юк биродар Покистон халқи учун мўлжалланган ва ушбу мамлакат ҳукуматининг қоронавирусга қарши кенг қўлланил саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш белгиси сифатида тақдим этилган.

“Ўзбекистон Покистон-

ни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келган ва ушбу инсонпарварлик акцияси икки давлат халқларининг самимий дўстлиги, бир-бирига бўлган ишончи ҳамда ҳурматидан далолат беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий алоқалар

Инсоният азалдан не бир тўфону офатлар, қирғинбарот урушлар, мураккаб синовлар ичра тамаддун эврилишларини ўз бошидан кечириб келмоқда. Аммо ҳаёт, яшашга бўлган иштиёқ, умид ва ишонч хисси одамзод наслини ҳар қандай оғир синовларни енгишга ундайверади, унга куч, қувват бахш этади. Бунга эса тарих гувоҳ.

Афсуски, фожиа ва ҳалокатлардан дилгир, зада бўлган инсоният бугунги оғир пандемик вазият туфайли яна бир кўринмас ёв — COVID-19 инфекциясининг “тўри”га тушиб қолди. Демакки, яна яшаб қолиш ва тирикликка ташналик бу кўринмас душманга қарши кураш майдонида инсониятни бир мушт бўлиб, уни енгиб ўтишга чорламоқда.

Ислоҳот одимлари

Глобал интеграция шароитида ҳақон микёси бўйлаб коронавирус инфекциясининг тарқалиши энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ҳам ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, ишлаб чиқариш “занжирлари” ҳамда савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида ҳам ошё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви каби салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Оғир пандемия даврида ҳаттоки ривожланган давлатлар тиббиётни оғир депессияларни бошдан кечирмоқда. Дунёнинг айрим давлатларида касаллаиш кўрсаткичи тобора ортиб, ушбу вабо туфайли, афсуски, қўллаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда.

Мамлакатимизда бу глобал хавф-хатарларга қарши тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, энг аввало, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир аниқ вазифалар белгилан олинди. Давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирига юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Президентимиз раислигида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган видеоселектор йиғилишларида COVID-19 пандемиясини жийовлаш билан боглиқ ташкилий тадбирлар, кечиктириб бўлмас вазифалар белгилан берилляпти.

Мамлакатимизда жорий этилган қарантин чоралари коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга, унинг салбий таъсирига юмшатишда ўта муҳим ҳамда устувор аҳамият касб этаётди. Ўтган 4 ой давомида халқимиз пандемия шароитида яшаш, меҳнат қилиш бўйича маълум маънода таъриба орттирди, бу борада кўпқиммалар шаклланди. Коронавирус бўлган зарарланишнинг олдини олиш, касалликни эрта аниқлаш, симптомсиз ва енглик кечаётган беморларни даволаш ҳамда назорат тадбирларини амалга оширишда янги стратегияларни қўллаш, худудлардаги вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда, қарантин қоидаларини қарерда зарур бўлса қўйлатириш ёки юмшатишни вазият тақозо этмоқда.

Аҳоли саломатлиги — энг катта боилик

Сурхондарё вилоятида санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш, қарантин чораларини қўллаш, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Чунончи, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, беморларни даволаш ҳамда алоҳида-лаш мақсадида вилоятда жами 37 та объектда зарур шарт-шароитлар яратилган. Шу йилнинг 16 июль ҳолатида коронавирус инфекциясига қалинган 258 нафар бемор аниқланган бўлиб, уларнинг 160 нафари даволанган ва уларига қузутилган. 93 нафар бемор даволанмоқда.

Пандемия даврида қарантин шароитида даволаш-профилактика тадбирлари учун вилоят бўйича Инкирозга қарши курашиш жамғармаси томонидан 26 миллиард 395 миллион сўмдан ортиқ мабладёқ араб давлатларида юз миллиондан ортиқ кишилар қашшоқлик ёқасида турибди, 52 миллион киши эса тўйиб оқватланмайд. Бу рақамлар, албатта,



нинг биринчи чораги давомида вилоятда 10 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди, мавжуд 3 та хусусий клиника ўз фаолиятини янада кенгайтирган ҳолда, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда Термиз туманидаги Қорахон маҳалласида минг ўринга мўлжалланган қарантин зонаси ҳамда 100 ўринли махсус шифохона қуриб битказилди. Умумий майдони 15 гектарни ташкил этган қарантин мажмуасида жароҳлиқ, жонлантириш бўлимлари, муолажа хоналари зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Электр энергияси, газ ва ичимлик суви тармоқларини қуриш ишлари охирига етказилмоқда. Бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар ўткир юқумли касаллик тарқалишининг олдини олиш, профилактик тадбирларни амалга оширишга қулайлик яратди, албатта.

Саховатпеша инсонлар ҳамиси кўмакка шай

Коронавирус пандемияси дунё давлатларини чиндан саросимига солиб қўйди. Айниқса, озик-овқат хавфсизлиги ҳар қачонгидан да долзарб аҳамият касб этаётди. Экспертлар коронавирус пандемиясини Иккинчи ҳақон урушидан кейинги энг ёмон гуманитар инкироз, дея аташмоқда.

БМТнинг Жаҳон озик-овқат дастури таълимотларига кўра, 2020 йил якунида бошлаб дунёда 265 миллион киши озик-овқат танқислигига дуч келиши мумкин. Пандемия туфайли ҳозирги пайтдаёқ араб давлатларида юз миллиондан ортиқ кишилар қашшоқлик ёқасида турибди, 52 миллион киши эса тўйиб оқватланмайд. Бу рақамлар, албатта,

бугунги пандемик вазият ҳамда унинг ўта салбий оқибатларидан дарак бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати халқимизга хос меҳроқибат, инсонпарварлик фазилатларини яна бир бор намойён қилиб, эл-юртимизни ўзаро бирлаштирувчи, эзгуликка бошловчи маёқ вазифасини ўтаётди. Сурхондарё вилоятида тузилган “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобига бугунги кунга қадар 8 миллиард 103 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари келиб тушган. Шунинг асосида 4231 та эҳтиёжманд оилага озик-овқат, дори-дармон, қорамол ва парранда ҳамда моддий ёрдам берилди.

Республика махсус комиссияси талабига биноан, вилоятнинг шаҳар ҳамда туманларида Ҳомийлик хайриларини мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказлари ташкил этилиб, қарантин даврида моддий даромад манбаини йўқотган, эҳтиёжманд аҳоли қатламини мунтазам қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттириляпти. Вилоят бўйича бир кунда 400 — 500 нафар фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар асосида озик-овқат маҳсулотлари уларнинг яшаш манзилларига етказилимоқда.

Дарҳақиқат, халқимиз бошига мусибат тушса бир-бирини ёлғизлатиб қўймаган. Бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда иш кўрган. Бугунги синовли кунлар эса буни яна бир бор исботлади.

шароити, ижтимоий аҳволи ўрганилди.

Маълум бўлишича, Мухаббат Хўжанова билан биргаликда у кишининг фарзандлари, келинлари, қуёвлари, набиралари жами олти оила, 26 киши нонор шароитда истиқомат қилиб келган.

Шу куннинг ўзида Мухаббат аянинг 4 фарзандни тарбияляётган қуёви ва қизига ҳамда 3 фарзандини ёлғизликда тарбияляётган яна бир қизига уй-жой ажратилди.

— Онамга қарашли торғина ҳовлида шунча киши қўйналиб яшаб келётгандик, — дейди З. Каримова. — Қарантин даврида мурожаатимиз тезда ҳал бўлишини ростки, кутмагандик. Шахсан менинг кўнглим тоғдек кўтарилди. Кўрсатилган бу ғамхўрлик учун беҳад миннатдорман. Бу, шубҳасизки, Президентимиз олиб бораётган одилона ва халқчил сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Вилоят ҳокими Мухаббат аянинг оила аъзолари билан мулоқот чоғида тез фурсатда ер ажратилиб, ҳомийлар қўмағида уй-жой қуриш, уларни иш билан таъминлашга ваъда берганди. Бу борадаги амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилди.

Зеро, шундай синовли кунларда юртимизда эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзайтган саховатпеша инсонлар Навоий таъбири билан айтганда “бўзилган Каъбани обод айлаганики” савобини олмоқда. Буюк мутафаккир бобомизнинг энг муҳим мақсади ва асл маслағи инсон кўнглини обод этиш эди:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,

Очна борким, Каъба вайрон ўлса обод айлагай...

Бугун юртимизда амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ишлари буюк аждодимизнинг ўлмас бунёдкорлик юғялари унинг авлодлари томонидан муносиб давом эттириляётганидан далолатдир.

Ёшлар — эртанги кун таянчи

Айни пайтда Сурхондарё вилояти аҳолиси 2 миллион 600 минг кишидан иборат. Уларнинг 761 минг 442 нафари 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар.

Дунё қалқиб турган, одамлар саросимида яшаётган бир даврда ҳам юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати амалда. Ёшларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, муаммоларига ечим топиш, тақдирларини ўрганиш мақсадида шаҳар ҳамда туманларда “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бу учрашувлар давомида ёшларимиз ўзларининг азму шиқоатларини намойиш этаётгани, уларнинг бирор тақлифи эътибордан четда қолмаётгани ҳам аслида катта далда бўлаётди.

Албатта, бугун ёшларнинг куч-ғайрати, ақл-заковати ҳаётимизнинг барча соҳасида намойён бўлаётгани қувончли. Ёшлик бу маъжозий маънода асов оддек куч-қудратга эга бўлиб, ўз вақтида илм-тарбия билан “жиловланиши”, шунингдек, пировардида бандлиги таъминланиши ҳар бир даврининг муҳим масаласи бўлиб келган.

Вилоятда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича манзилли режа ишлаб чиқилган бўлиб, пандемия шароитида 38 минг 570 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Чунончи, бугунги кунга қадар 23 мингдан ортиқ йигит-қизлар ишлаб чиқариш тармоқларига, хизмат кўрсатиш, касаначилик, хўнарамдчилик, босдорчилик, шунингдек, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси орқали ҳал туланидиган жомоат ишларига жалб қилинди ва бошқа йўналишларда бандлиги таъминланди.

“Ҳар бир ёшга бир гектар лойиҳаси” доирасида йил охирига қадар 4 минг нафар йигит-қизнинг даромад олиш манбаларини яратиш кўзда тутилган.

— “Ерни боксанг, ер сени боқад”. Ана шу нақлга амал қилиб, менга ажратилган майдонда ерёнгоқ, полиз ва



сабзавот экинлари экиб парваришляяпман. Меҳнатим самарасида мўймай даромад олиш пайидаман, — дейди Қўмқўрган туманидаги Боймоқли маҳалласида яшовчи Чори Маҳкамов.

Дарҳақиқат, улғайиб келётган ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаёт фаолиятларига алоҳида эътибор қаратиш барқарор ва истиқболли келажакимизни қуришдаги муҳим қадамлардан биридир.

Тириклик мудом иқтисодий омилларга таянади

Пандемия даврида тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг 4 та Фармони қабул қилинди. Маскур ҳаётбахш ҳужжатларга асосан, Сурхондарё вилояти бўйича 335,5 миллиард сўмлик имтиёзлар берилди.

Жумладан, 18364 та юридик шахсининг 146,7 миллион сўмлик солиқлари ҳисобдан чиқарилди. 127 миллиард сўмлик солиқларнинг тўлов муддати йил якунигача узайтирилди. 10364 та яқка тартибдаги тадбиркорнинг 16,4 миллиард сўмлик солиқлари ҳисобдан чиқарилди. 420 мингдан ортиқ 49,8 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиқларининг тўлови 15 октябрга қадар узайтирилди.

Пандемия шароитида қўлланиляётган бундай солиқ имтиёзлари, преференциялар иқтисодиёт қорхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш, хизматлар қўрсатиш ҳамда бошқа йўналишларда барқарор фаолият олиб бориш имконини яратиб бермоқда. Бу жараёнда ҳорижий давлатларга экспорт қилиш кўрсаткичи ҳам сезиларли даражада ортди. Жумладан, шу йилнинг 6 ойи мобайнида Сурхондарё вилоятида рўйхатдан ўтган худудий ва тармоқ қорхоналари томонидан қиймати 82,4 миллион долларга тенг бонусдан 118,6 минг тонна маҳсулот экспортни амалга оширилди.

Камбағалликни қисқартириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг реал даромадини оширишга доир манзилли чора-тадбирлар, ёшлар, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳаётга изчил таътиб қилинмоқда. Бу жараёнда чўпон тағيينи сукса, кўкарадагилар унмодор замин, қулай иқлим шароити томорқачилик фаолиятини кенг ривожлантириш имконини бермоқда.

Ҳар бир қарч ёрнинг қадрига етиб экин-тикин, дёҳончилик қиляётган одамлар турмушига бугун фойз кирган, ободлик, фаровонлик инган. Аллақачон хирмонлар донга тўлиб, ёзининг турфа ноз-неъматлари халқимиз дастурхонига барака қўшмоқда. Буларнинг барчаси одамлар кўнглида шукроналик, осойишталик ва эртанги кунга бўлган умидни оширмоқда.

Хулоса ўрнида. Мутахассислар коронавирус пандемияси қачон якун топишини, ҳатто тахмин қилишга олмаётган бўлса ҳам, ҳозирча ягона чора сифатида қарантин талабларини қатъий жорий этишни, санитария-гигиена қоидаларига амал қилишни тасвия этишмоқда. Бу ҳозирча ягона чора! Бугун ҳар ким ўз соғлиги ҳақида қайғуриши ўта муҳим ва қатъий талабга айланган. Шундай экан, энг улуг ҳамда беназир нёзматга, аввало, ўзимиз масъулимиз.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ВА ПОЛОЦК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТМИ-ПДУ ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТИ**

2020/2021 йуви ишли учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишларига қабул эълон қиладди

№	Шифр	Таълим йўналишлари/мутахассисликлари номи	Жами
БАКАЛАВРИЯТ, КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ			
1	5230600/ 1-25 01 04	«Молия»/«Молия-кредит»	75
2	5230900/ 1-25 01 08	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»/ «Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит»	50

Тўлов-шартнома асосида. Таълим тили: рус тили.
Таълим дастури: «3+1» (ҳамкорликда қўшалоқ диплом берилиши назарда тутилган).
Кириш имтиҳонлари икки босқичда ўтказилади.
Биринчи босқич: Давлат комиссияси белгиланган фанлардан тест синовлари шаклида Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.
Иккинчи босқич: рус тилида касбга йўналтирилган суҳбат шаклида ҳамкор олий таълим муассасаси томонидан ўтказилади.
Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига Давлат қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда 2020 йилнинг 20 июлидан 20 августига қадар қабул қилинади. Call-хизмат телефон рақамлари: 71-234-06-75, 71-234-01-91, 71-235-12-91, 71-235-13-21, 71-235-50-66, 71-234-01-36.
2020 TFI-PDU QF qabul телеграм канали орқали бериб борилади.
Тест-синовлари натижаларига кўра, юқори балл жамлаган абитуриентлар билан қабулнинг иккинчи босқичига мувофиқ, белгиланган тартибда рус тилида онлайн форматда минимал талаблар асосида касбга йўналтирилган суҳбат ўтказилади.

«Дунё» АА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

**71-232-10-63,
71-232-11-15.**

E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Инбулатор тиббиёт ва жисмоний тарбия кафедраси доценти Маърифат Деворовага отаси **Боки ДЕВОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси “O‘zbekiston 24” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси жамоаси “O‘zbekiston 24” радиоканали бўлим мудир Дилшод Бўриевага отаси **Қубай БҮРИБЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладди.

Онлайн конференция

«Ўзбекистон олий таълим тизимининг тарихий илдизлари бақувват»

16-17 июль кунлари “Самарқанд давлат университети — Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясининг вориси” мавзусида онлайн тарзда халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Икки кун давом этган нуфузли анжуманда мамлакатимиз олимларидан ташқари, чет эллик таниқли илм-фан намояндalари ҳам қатнашди.

Конференцияда қадимги даврлардан бугунги кунгача олий малакали мутахассислар етиштиришда мадрасалар таълими, юксак салоҳиятли мударрислар, уларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳамда таълим тизими тарихига оид долзарб мавзулардаги маърузалар тингланди.

Мазкур илмий конференция Самарқандда 1420 йилда олий мактабларнинг юксак намунаси тарзида фаолият бошлаган Мирзо Улуғбек мадрасаси таълим жараёни давомийлиги таъдқиқига бағишланганлиги билан катта аҳамият касб этади.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Фредерик БРЕНЕТ,
Франция илмий тадқиқотлар миллий маркази илмий ходими, Ўрта Осиё археологик тадқиқотлар экспедицияси институти директори:



— Самарқанд тарих ва санъат шаҳридир. Ўз тарихи давомида бу шаҳар олимлар ҳамда санъаткорлар билан тўла бўлган. Санъат ва тарихни умумлаштирувчи конференция учун Самарқанд давлат университети энг яхши даргоҳдир. 600 йиллик тарихга эга бўлган бу даргоҳ Ўзбекистон олий таълим тизимининг тарихий илдизлари бақувват эканлиги-

ни намойён этади. Мазкур университет, шубҳасиз, бугун ҳам ёш авлодининг олий таълим олиши, бўлажак илмий ходимлар тайёрлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бунга 2005 йилдан буён ҳамкорликда олиб бораётган илмий-таълимий муносабатларимизда амин бўлмоқдамиз.

Мазкур миссия Зарафшон воҳасида археологик изла-нишлар олиб борапти. Ушбу воҳа узоқ тарихга эга бўлиб, бу ердан неолит ва бронза даврига оид қадим маданият нишонлари топишмоқда. Тадқиқотларимизда Самарқанд давлат университети олимлари яқиндан кўмаклашяпти. Бу билан университет жамоаси дунё тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек мадрасаси ворислари эканини яна бир бор исботламоқда, деб ўйлайман.

Волфганг ШАРЕК,
Росток университети ректори (Германия):



1419 йилда Рим папаси томонидан университетимизга асос солинган. Биз ўзимизнинг узоқ йиллик аъёнларимиз билан фахрланамиз, лекин биз дунёни ўзгариштириш учун инновациялар кераклигини инкор этмаймиз. Зеро, австриялик бастакор Маллер таъкидлаганидек, “Анъана бу ўтга сажда қилиш эмас, олов узаштириш”.

Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳам Самарқанд давлат университети таълим ва бу олов гулханга айланиб, бугун ҳам маърифат таратмоқда. Мен бу маърифат нури мангу ёнишини тилайман.

Махмуд АК,
Истанбул университети ректори (Туркия Республикаси):



Бугунги кунда Истанбул университетининг дунёдаги қарийб барча мамлакатларни қамраб оладиган 720 та олий таълим муассасаси билан тузилган халқаро шартномалари фаол илмий ҳаракатни таъминлаб келмоқда. Аммо шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Самарқанд давлат университети билан чуқур кўнгил ришта-лари орқали боғланганмиз. Зеро, туркий тили давлатларнинг энг илгор таълим ва илм-фан даргоҳларидан бири бўлган Самарқанд давлат университети билан амалга ошираётган ҳамкор-лигимиз биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

2019 йилда Самарқанд давлат университети таълим рифоҳимиз давомида бир қатор тарихий келишувларга эришган эдик. Келгусида бу келишувлар биз учун янги имкониятлар эшигини очибгиши ишонаман.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

КАМБАГАЛЛИК

УНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ҚАНДАЙ ЙЎЛЛАРИ МАВЖУД?



Таҳлил

Кейинги пайтларда юртимизда камбағаллик ҳақида кўп гапириляпти. Узоқ йиллар очикланмаган рақамлар тилга олиниб, камбағаллар сонини камайитириш ишларига эътибор қўйилганлиги. Булар таҳсинга лойиқ ишлар. Лекин камбағаллиكنи йўқотса, камбағаллар сонини бирданига қисқартирса бўладими? Йўқ, албатта. Чунки у узоқ давом этадиган, оқибатларию сабаблари чуқур ўрганилиб, чораси босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён. Қўйида шулар ҳусусида фикр юритамиз.

Бизнингча, камбағаллиكنи уч гуруҳга — камбағал бўлса-да, ўта муҳтож бўлмаган, муҳтожлиги анча кучли ва ўта қашшоқликда яшовчи кишиларга ажратиш лозим.

Бинобарин, ёрдамни, аввало, мана шу гуруҳларга кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Айтиш керакики, камбағаллар қанчалик кўп ёки оз, уларнинг табақаланиши қанчалик кучли бўлмасин камбағаллиكنи қисқартиришнинг усул ҳамда воситалари умумий. Лекин булар ҳар хил даражада амалга оширилади.

Халқаро ташкилотлар баҳоси

Халқаро молия ташкилотлари ва турли рейтинг агентликлари камбағаллиكنинг юқори чегараси сифатида аҳоли жон бошига ҳар кун қанча пул сарфланишини асос қилиб олади. Бунда иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда инфляция ҳисобга олиниб, истеъмол ҳажми қайта кўрилади. Илгари бу чегара бир доллар, деб қабул қилинган бўлса, кейинчалик бу 2-3 ва 4 доллар қилиб белгиланган. Уч доллар базавий кўрсаткич, деб қабул қилинса, жон бошига бир ойлик истеъмол сарфи 90, бир йилга эса 1095 долларни ташкил этади. Аммо бу меъёрни муайян мамлакатнинг иқтисодий даражасига қараб ўзгариштириш зарур. Шу сабабли Ўзбекистонга мазкур умумий меъёр-ни автоматик тарзда қўллаб бўлмайди. Масалан, 2019 йилда Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми аҳоли жон бошига 1705 АҚШ долларига етган. Дунёнинг ўртача даражасида ЯИМ 11 000 доллардан зиёд. Камбағаллиكنинг энг кўпи чегараси энг қашшоқларнинг кун-дашлик истеъмолини ташкил этади. Жа-ҳон банки маълумотида кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича жами камбағаллар сони қарийб 759 миллиондан ортиқ. Камбағаллики чегаралашда аҳоли истеъмолининг доллардаги ҳисобини, долларнинг валюта курсига қараб эмас, балки валюта харид қобилия-тининг паритетига қараб, яъни маъ-лум бир миқдорни ўзбек сўмига ва АҚШ долларига нисбатан олиш мум-кинлигидан келиб чиқса тўғри бўлади.

Мисол учун, валюта курсига биноан 2020 йил 10 июнь ҳолатига 1 АҚШ доллари 10150 сўмга тенглаштирилди. Лекин бу ерда сўмга ёки доллар-га нима берилиши ҳисобга олинмаган. Масалан, Ўзбекистонда 10 150 сўмга 2 литрдан зиёд сут, 170 грамм гўшт, 2 килограмм картошка, 1,7 ки-лограмм ун ва 1 килограмм гуруч ха-рид қилиш мумкин. АҚШнинг 1 дол-ларига эса чет элда бундай товар-ларни бундай миқдорда, умуман, со-тиб олиб бўлмайди. Камбағаллик ҳо-латида баҳо берилганда товарлар ис-теъмолининг ҳажми нархлар парите-тига қараб белгиланиши тўғри бўла-ди. Чунки бу иқтисодиётнинг реал ҳолатини акс эттиради. Сўм ҳисоби-даги аҳоли даромадларини паритет билан ҳисобланган долларга ўтказиш керак. Бунинг учун ЯИМнинг парите-тидаги ҳажми аниқланади. Дейлик, валюта курсига биноан ЯИМ ўтган йили 1 706 доллар бўлса, нарх парите-тига биноан 7 000 долларга яқин келади. Шу сабабли камбағаллар бир кунда 3 долларлик истеъмол қилади, деб айтиш мумкин эмас. Камбағал-лиكنинг чегарасига кўра миқёси аниқ-ланганда, аҳолининг неча фоизи че-гаралаш пастда туришини ҳисобга олиш лозим. Чунки ҳар хил ёндашув камбағаллар миқдорини ҳам турлича қилиб кўрсатади. Аммо гап камба-ғалларнинг сонидан эмас, балки улар-га қандай шакл ва қандай даражада

ёрдм кўрсатилишида. Шунга қараб камбағаллиكنинг қанчага қисқартирил-ганини белгилаш мумкин.

Сабаблар турлича

Камбағаллиكنи қисқартириш йўл-лари аксарият мамлакатлар учун ум-вий, лекин уларнинг нисбати ҳар хил. Бу камбағаллиكنинг сабаблари тур-лича бўлишидан келиб чиқади. Кам-бағаллик сабаблари эса одамлар қобилиятига боғлиқ. Бинобарин, аҳолининг факат 10 — 12 фоизигина тадбиркор бўла олади. Қолганлар эса ёлғаниб ишловчилардир. Камбағаллар айнан шулар орасида пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётида тақсимлаш қонуни бор. Бу яратилган ЯИМ жа-ми-ятнинг даромади сифатида қандай қондаларга биноан кишилар ўртасида тақсимланишини билдиради. Бу қонун амал қилар экан, даромадлар, албат-та, табақаланиб боради. Яъни одам-лар ишлаб топганига қараб ҳар хил даромад қуришади.

Камбағаллиكنинг яна бир сабаби қандай муҳит ва қандай ресурс мав-жуд шaroитда ишлашга ҳам боғлиқ. Ресурс кўп жойда даромад ҳам кўп.

“ Камбағаллиكنи тугатишда бандлиكنинг ўзи етарли эмас. Аксинча, гап натижадорликда. Бандлик масаласи бирламчи бўлар экан, ҳозирги вақтда давлат сиёсати инвестициялар киритилганда уларнинг нечта иш ўринлари яратилганини ҳам ҳисобга олади. Ўзбекистон шaroитида бандлиكنи оширишнинг усуллари ҳар хил. Гап шундаки, ҳозир юртимизда 34 миллион аҳоли бўлса, шундан 19 миллион нафари меҳнат қилибди одамлар. Яъни 16 — 60 ёшдагилар. Бироқ улардан 14 миллиони расман ва 5 миллиони норасмий ишлайди.

Аксинча, ресурслар кам бўлган ерда яшаб, меҳнат қиладиганлар кўпроқ камбағалликка дуч келади. Энг асосийси, ишқўмаслик одамни шунга мубтало этиди. Мазкур қонун амал қилишини ресурсларга боғлиқ, аммо бу кишиларнинг ўта фаол ишлашини ҳам таъқозо этади.

Камбағаллиكنинг иқтисодий жиҳат-дан ташқари, социал-демографик омили ҳам мавжуд. Булардан бири аҳолининг тез кўпайиши ва ишловчи-ларга тушадиган иқтимоий-демогра-фик юкдир. Яъни аҳоли нуфуси жадал қўпаядиган шaroитда ишловчилар эли-масига ишламайдиганларни боқишга тўғри келади. Яъни топишган ялғи да-ромадни жон бошига бўлганимизда у кам чиқади.

Камбағаллик сабабларини ўргана-рак эканмиз, у ўзи қанақа ҳодиса эканли-гини ҳам билишимиз керак. У ҳар то-монлама салбий ҳолат — иқтисодиёт-га ва унинг келажақ ривожига тўқсин-лик қилади. Бу иккита омилдан ибор-ат: биринчиси инсон капиталини

заиф қилади. Оила қанчалик кам да-ромад топса, у ерда шунчалик иш кучи сифати ва инсон капиталини ривож-лантириш учун маблағ кам ишлати-лади. Демак, сифатли овқатланилмай-ди. Билим олиш, соғлигини мус-тақамлаш учун пул етишмайди. Шу боис камбағаллар иқтисодиёти қроқ мамлакатларда кўп учрайди. Иккинчи салбий жиҳати, камбағаллик даража-сига ички бозорнинг ҳажми тескари му-таносибликда бўлади. Яъни камба-ғаллар қанчалик кўпайса, ички бозор шунчалик тораяди. Чунки харид учун аҳолида пул етишмайди. Мана, нега камбағаллики қисқартириш чорала-ри зарур?

Қолаверса, унинг иқтимоий-сиёсий томонлари ҳам йўқ эмас. Камбағаллик ихтиёрий ва мажбу-рийликдан ҳам келиб чиқади. Бирин-чиси, ихтиёрий камбағаллик одамлар-нинг ўзига боғлиқ, Шундай кишилар ҳам борки, улар “борига бозор” деб, яхши ишлаб кўп топишга интилмай-ди. Яъни уларга ялқовлик хос. Шарқ-да шундай кўп бор, “камбағалликка ялқовлик қашласа, бунинг давоси йўқдир”. Булар озчилик. Бироқ маж-бурий камбағаллик иложсизликдан пайдо бўлади. Малака етишмайди, иш топа олмайдди, топса ҳам яхши иш ҳақи ололмайдди. Натижада боқиман-далар кўпаяди. Камбағалликини қисқартиришда бунчи ҳисобга олиш ке-рак. Бунинг учун, аввало, иқтисодиёт-ни ўстириш талаб этилади. Иқтисо-диётни ўстиришнинг эса иккита усули бор — биринчиси, ресурсларни кўп ишлатиш, иккинчиси, ресурсларни қў-ланиб, тежамкорлик билан иш-латиш. Бунда ҳар иккала усулдан меъ-ёрда фойдаланишга тўғри келади. Аммо иккинчи усул устувор бўлиши зарур. Чунки бу кам сарфлаб, кўп ишлаб чиқаришни билдиради. Мазкур усул жадал иқтисодий ўсишни таъ-минлаб, камбағаллашувнинг олдини олади.

Уни тугатиш мумкинми?

Камбағалликини мутлақо тугатиб бўлмайди. Лекин қисқартириб, меъё-рига, яъни иқтисодий-социал хавф туғдирмайдиган даражага келтириш мумкин. Олимларнинг айтишича, бу меъёр жамиятда 2-3 фоиздан оши-ши керак эмас. Уни шундай даража-га келтириш учун эса иқтисодиёт барқарор ва тез ўсиши лозим. Агар



Аммо ушбу майда ишлаб чиқариш-нинг битта томони бор. Яъни ишлаб чиқаришнинг тартибсиз ривожлани-ши. Бу катта иқтисодий рискин кел-тириб чиқаради. Бу шундан иборатки, майда хўжаликлар сони жуда кўп ва улар бир-бири билан келишиб иш-ламайди. Ҳамма ўз билганича иш ту-тади. Натижада бир хил маҳсулотлар кўпайиб кетса, бошқаси камаяди. Демак, одамлар маҳсулотнинг бир қисмини сота олмай, зарар кўради. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун жойларда ҳокимиятлар маҳалалар иш-тирокида томоркаларда нима ва қанча ишлаб чиқарилгани ҳисоб-китобини юритиб, йўқотишлар бўлмаслиги учун тавсия бериши керак. Чунки амалиёт шунки кўрсатдики, бир йил маълум маҳ-сулот нархи ошса, кейинги йили қўччи-лик ўша маҳсулотни экади ва маҳсу-лот кўпайиб кетганлиги боис нархлар тушиб, хўжаликлар қутилган пулни топа олмайдди. Шу сабабли давлат бунчи тар-тибга солиши керак.

Саломатлик, миграция ва маҳалла масаласи

Боалар соғлом туғилсагина, етук мутахассис бўлиб етишиши мумкин. Бироқ камбағалликини тугатишнинг асосий воситаси бандлик бўлар экан, Ўзбекистон ўзи кучи билан бу маса-лани тўлиқ ҳал қила олмайдди. Чунки бизда ЯИМ жон бошига қичкина ва катта миқдорда миллий инвестиция-ни сарфлай олмайдди. Яъни иш ўрин-

ларини етарли кўпайтира олмайдди. Шунинг учун Ўзбекистон ортиқча иш кучини чет элга экспорт қилиш йўли-дан қайтмаслиги керак. Хусусан, ҳозирги кунда Россиядаги меҳнат мигрантларининг асосий қисми ўзбеклардир. Иш кучи миграцияси глобализациянинг табиий омилири-дан бири саналади. Сабаби глоба-лизация шaroитида барча ресурс, шу жумладан, ишчи кучи ҳам эркин қўчи-б юриши керак. Бундан 20 йил олдин меҳнат мигрантлари дунёда 90 мил-лион кишини ташкил қилган бўлса, ҳозир 300 миллиондан ҳам кўп. Шу-нинг учун меҳнат миграциясига ижо-бий қараб, унга шaroит яратиб бе-риш зарур. Камбағалликини қисқар-тириш йўллари хилма-хиллиги боис уни амалга оширишнинг аниқ бос-қичларини белгилаш керак. Бу — узоқ стратегик вазифа. Камбағалликини қисқартириш, бу, халқнинг умумий фаровонлигини ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини билдиради. Бу вазифани бажаришда фақат бо-зор механизми эмас, балки давлат ҳам қатнашиши зарур.

Давлатнинг камбағалларга кўрсатган моддий ёрдами миқдор жи-ҳатидан катта бўлмаса-да, улар учун далда вазифасини бажаради. Ёрдам-нинг мақсадли бўлиши ва муҳтож-ларга тегиши учун кўмак пулининг ҳажми ҳамда тақсимланишини ўз-гариштириш маъқул вариант. Кейинги пайтда давлат томонидан берилади-ган бир ойлик ёрдам пулининг ҳажми тез-тез ўзгариб турибди. Бу пулнинг ЯИМдаги ҳиссаси барқарор эмас. Шу боис уни қатъий нормативга би-ноан ажратиш зарур. Яъни масалан, у ЯИМнинг 2 фоизига тенг миқдор-да. ЯИМ ўсиши билан у ҳам ўз-ўзи-дан кўпайиб боради ва давлатнинг ёрдамини барқарор қилади. Бу кўмак-ни тақсимлаш ҳам ўзгариш ки-ритиш талаб қилинади. Чунки ҳозир бизда ёрдамнинг кимга берилиши-нинг анди шарти мавжуд эмас. Ма-ҳаллалар тахминан аниқланади. Шу сабабли бу пул ўта муҳтожларга доим етиб бормайди. Жойларда ёрдам олувчилар сонини кўпайтириш учун бир кишига тегадиган пулни 3 ёки 4 киши орасида тақсимлаб, навбат билан ҳар чоракда бериб ту-рилади. Ёрдам пули энг муҳтожга етиб бориши учун бу пул камбағалларга мансуб кишиларнинг энг қуйи гуру-ҳига, яъни маргиналлар ўртасида тақсимланиши керак ва ҳар бир муҳ-тож ёрдам пулини ҳар чоракда эмас, ҳар ойда олиши лозим. Пул озчи-ликка берилса, миқдори ҳам салмоқ-ли бўлади. Давлат бюджетни беради-ган ёрдам пули минимал кафолат вазифасини ўтади. Аммо бу пулга қўшимча равишда маҳаллий бюджет-лар ўз имконияти даражасида ўта муҳтожларга қўшимча равишда ёрдам бериши ҳам мумкин. Бу жой-ларда камбағалларга ёрдам бериш мажбуриятини қўллайтиради.

Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги-ларни тақлиф сифатида келтириш мумкин, деб ўйлаймиз. Яъни ишчи-мигрантларга имтиёзли кредит бе-риш, уни ишлаб пул топишдан сўнг қайтариш, уй шaroитида харидор бу-юртмаси асосида арзон қийим-ке-чаклар тикиш, бунчи чет элданги кам-бағал харидорларга тақлиф қилиш, худди шундай кредитни деҳқон хўжа-ликлари ҳам бериш ва ерларни янада қайта тақсимлаш ҳисобидан деҳқон хўжаликлари сонини кўпайти-риш, кичик ҳамда йирик корхоналар-да ўзаро кооперацияни қўллайтириш, аҳоли ихтиёридаги бўш ўй-жой ва ёрдамчи қурилмани ҳисобга олиш ҳамда ижарани қўллаш орқали шу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўзини ўзи банд қилганларни рағбат-лантириш айнни муқддирдир.

Хулоса қилсак, камбағалларга пул кўринишида ёрдам бергандан кўра, уларнинг ўзига пул топиш учун ша-роит яратиш зарур. Чунки “қўлдан берганга қуш тўймайди”. Зеро, ора-мизда камбағаллар қанчалик кам бўлса, турмуш тарзимиз ҳам яхши-ланиб, турмуш иқтимоий муаммолар-га ечим топилиб, мамлакат иқтисо-диёти ривожланиб бораверади.

Улуғбек ВОСИҚОВ,
Тошкент молия институти
илмий тадқиқотчиси.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва малафига қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграффик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — **Ш. Фафоров.**

Мусахҳиҳ — **С. Исмолов.**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6